*УзССР Олий ва махсус урта таълим министрлиш тасдицлаган*

1 Т: ПИ
| им.Низайй|

6ВР891

8И
К33

Цаюмов О.

Д^ет ^эл адабиёти тарихи. (Илк урта асрлар, Уйгониш даври ва XVII аср Гарбий Европа адабиёти). Педагогика ин-тларининг филология фак. учун дарслик. Т., «Укитувчи», 1973. 300 б., раем.

Аннотация...

**Каюмов А. История зарубежной литературы. (Раннее средневековье, эпоха возрождения и XVII век).**

**8И**

*„Рцитувчи" нашриёти, 1973.*

0 — 6 - 4 - 6 139 4Й_7„
К.М. 353-06-73

# КИРИШ

**Урта аерларда ижтимоии 1узум**

Урта асрлар адабиёти антик кулдорлик жамияти урнида вужудга келган янги ижтимоий тузум — феодализм негизида шаклланади. IV—V асрлар мобайнида Рим кулдорлик жамиятининг кризиси кучаяди. Шах.арлар уз киёфасини йукотади, з^унар, савдо-сотик инкирозга юз тутади, маданият оркага кетади.

Рим империясида куллар аёвсиз эксплуатация килинар эди. г\уллар ишлаб чикариш мах.сулотидан манфаатдор булмаганлиги сабабли, уларнинг мехнати унумсиз эди. Йирик кулдорлар кул мех.натига арзон ишчи кучи сифатида карар эдилар. Бинобарин, арзон кул мез^натини кулга киритишга интилиш боскинчилик урушларини келтириб чикарар, асир ва туткунлар куллар сафини тобора кенгайтирар эди. «Антик (кадимги) куллик,— деб курсатади Ф. Энгельс,— ёшини яшаб булган эди. Йирик кишлок^ хужалигида з^ам, шаз^ар мануфактураларида з^ам куллик куллар сарф килган мез^натни копларли даромад бермайдиган булиб долган эди, куллар ишлаб чикарган мах.сулотларни сотиш бозори йук булиб кетган эди»[1].

1\улларнинг каттик^ эксплуатация килиниши уларнинг ралаёнларини келтириб чикарар эди. Бунинг устига «варвар»[2] кабилаларининг Рим империяси чегараларига тах.диди х.ам орта боради. Бундан ташвишга тушган кулдорлар, кулларнинг бир марказга уюшувига йул куймаслик учун, уларни ерга бириктиришга, шу ор-

[1] К. Маркс, Ф. Энгельс, Танланган асарлар, II том, 1959, 327-бет.
[2] Кадимги грек ва римликлар бошк.а юрт кишиларини «варвар» деб атаганлар.

кали уз ^укмронликларини саклаб к.олишга уринадилар. Лекин бу мумкин эмас эди, чунки «Урта аср крепостнойларининг утмишдошлари» (Ф. Энгельс) булмиш утроклаштирилган ерсиз дез^конколонлар огир шароитда мез^нат килиб, з^осилнинг купини ижара хакига тулар, бора-бора карзга ботиб, бир парча ерга богланиб колар эдилар. Шундай килиб, кулдорлик тузуми шароитида феодал ишлаб чикарищ муносабатлари келиб чикади. Кул мез^нати урнини крепостной де^кон мез^нати эгаллай бошлайди. Йирик мулкдорлар уртасида текинхурлик кучаяди. Булар Рим империясининг кризисидан дарак берарди.

Низ^оят, куллар билан колонларнинг кузголони з^амда уларга хайрихо^ булган «варвар»ларнинг Римга бостириб келиб берган зарбалари натижасида V асрда Рим кулдорлик жамияти емирилади.

Кишилик жамияти тараккиётида катта урин эгаллаган кадимги дунё — антик жамият харобаликлари урнига янги ижтимоий формация — феодализм вужудга келади. Феодализм IV—V асрларда ташкил топа бошлаб, XI—XV асрларда юкрри боскичга кутарилади ва у XVI—XVII асрларда инкирозга учраб, емирила бошлайди. Ерга хусусий мулкчиликка асосланган феодализм урнига капиталистик ишлаб чикариш муносабатлари бунёдга келади. Шунинг учун кадимги дунё тарихининг охири билан янги замон — капитализмнинг бошланишигача (XVII асргача) булган давр урта асрлар номи билан аталган.

«Урта асрчилик бутунлай примитив асосда ривожланди. Урта асрчилик з^амма нарсани энг бошидан бошлаш учун кадимги цивилизацияни, кадимги философия, сиёсат ва юриспруденцияни ер билан яксон килиб ташлади. Унинг барбод булган кадимги дунёдан к,абул килиб олган бирдан-бир мероси христианлик ва ярим хароба холига келган, узининг илгариги бутун цивилизациясинн йукртган бир неча шаз^ар булди»[1].

Урта асрларда феодал эксплуатацияси з^аддан ташкари кучайиб, крепостной дездонлар к^аттик^ эзилади, кенг халц оммаси эса низ^оят даражада кдшшоклашади. Натижада зулм ва адолатсизликларга карши катор дез^кон галаёнлари юз беради. «Феодализмга карши революцион оппозиция бутун урта асрларда давом килиб келди. Бу оппозиция, уша замон шароитларига мувофик равишда гоз$ мистика шаклида, гоз$ очикдан-очик бидъат шаклида, гоз^ куролли кузголон шаклида намоён булиб келди»[2].

Урта асрчилик тартибларига зарба бериш учун дастлаб христиан черкови асосларига путур етказиш керак эди. Шунинг учун хам уша вактдаги норозиликлар, кисман диний бидъат тарзида з$ам келиб чиккани шуб^асиздир.

[1] *«К. Маркс ва Ф. Энгельс дин туррисида»,* **Уздавнашр, 1956, 80- бет.**
[2] **Уша асар, 81- бет.**



**Илк урта асрларда вТадабиёт**

Рим империяси урнида пайдо булган мустакил давлатлардан метрополия'га якин турган собик. гарбий провинциялар (Италия, Галлия, Испания) латин тилини кабул киладилар. Латин **тили** махаллий шева элементлари билан бойиб, узига хос янги форма касб этади ва кейинчалик мустакил роман тиллари деб номланади.

**г**\адимги кельт к.абилаларининг талай кисми романлаштирила**ди,** уларга христианлик, латин тили ва Рим маданияти таъсири сингдирилади. Фак_ат узок^ Скандинавия ва Кельт областларидагина кабила тузуми ва унинг урф-одатлари узок^ вакт сакланиб колади. Бу чекка улкаларда феодал муносабатларнинг бирмунча кеч ривожланиши шунинг окибати эди.

**Рим** к.улдорлик тузуми емирилган вактда Гарбий Европада яшаган барча «варвар» к.абилаларининг уз адабиёти мавжуд булиб, у кадимги замон уругчилик з^аётини акс эттирган бадиий ёдгорликлардан иборат эди.

Урта асрлар адабиётининг ривожланиш жараёнига уч омил —• халк, ижоди, антик санъат ва христиан дини маълум даражада таъсир курсатган. Бунда айникса халк поэзияси традицияларининг ижобий роли каттадир.

Энг кадимги поэзия намуналари мехдат к.ушикларидир. Чунки бу кушиклар мез^нат жараёнида яратилиб, уларда мез^нат шавк.завки куйланади. Инсоннинг ритмик з^аракатига мое тушган товушлар коллектив мез^нат жараёнига жур булибгина крлмай, балки мез^нат цилувчиларнинг руз^ини кутаради, машацкатини енгиллаштиради. «Ибтидоий хор синкретизми» назариясининг асосчиси академик А. Н. Веселовский з^ар кандай поэтик ижоднинг дастлабки боскичида лирика, эпос ва драма элементлари биргаликда, з$али ажралмаган, яъни синкретик[2] з^олда мавжуд булганини курсатади.

Ибтидоий хор ва урф-одат синкретизми патриархал жамоа тузумининг ривожланган даврига тааллуклидир. Хор — кушик,мимика ва гавда з^аракати билан к,ушилиб, раке ва драматик уйинга айланади. Бу бадиий з^аракатнинг дастлабки шакллантирувчи элементи сифатида ритм ва куй пайдо булади, текст эса ёрдамчи хизматни бажаради. Коллективнинг ижтимоий з^аётини акс эттирувчи урф-одатлар текст ёки синкретик з^аракатнинг асосий мазмунини ташкил килган. Бинобарин, расм-одатлар з$ам якка шахе томонидан эмас, балки коллектив томонидан ижро этилади.

Ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши натижасида ижтимоий табакаланиш бошланади, жамоа-коллектив уз орасидан шахсларни ажратиб чикариши билан синкретизм з^ам сусая бора-

**' Дадимги Грецияда ша^ар давлат булиб, метрополия унинг чет элларда бунёд этган вилоятларига нисбатан айтилган атама.**
[2] *Синкретик* **— бирор з^одисанинг бир-биридан ажралмаган дастлабки з^олати. Ибтидоий санъат синкретизми — музика, ашула ва ракснинг бир-биридан ажралмаган дастлабки ^олати.**

ди. г\ушик урф-одат доирасидан чикиб, мустакил адабий жанр сифатида шаклланади. Хор давомида коллектив харакатни бошкариб.борувчи шахе энди кушикчи-шоир сифатида ижод билан х.ам •шугуллана бошлайди. Синкретик х.аракатдан лиро-эпик кушик, сунгра лирика ва халк урф-одатларини ифодалаган драма ажралиб чикади. Бирок ибтидоий синкретизмнинг колдиклари халк^ поэзиясида узок вакт сакланиб долган. Синкретизм назарияси ва поэзиянинг мех,нат жараёнида вужудга келиши бутун урта асрлар адабиётининг халк х.аёти билан боглик равишда келиб чикканидан дарак беради.

Христиан черкови эса урта асрлар маданий х^аётида реакцион роль уйнаб, адабиётни феодал-аристократия манфаатларига буйсундириш учун уз ихтиёрида булган бутун воситаларни ишга солади. **Дин** феодал х.укмронлигини мустах.камлашда, халк оммасини князларга тобе тутишда кудратли курол булиб хизмат килади. «Католик черкови феодал тузумни худо ярлакаган саодатли тузум даражасига кутарди»[1].

Шунинг учун кироллар христиан рух.онийларининг хизматларини такдирлаб, уларга жуда куп ер-сув ва х^атто крепостной дех.конларни хам хадя килар эдилар. Католиклар кулидаги ерларнинг учдан бир кисмидан купроги черков ихтиёрида эди. Монахлар сон-саноксиз ерларни кулга киритиш билан бирга крепостной дех,конларни шафкатсиз эксплуатация килар ва катта даромад олар эдилар.

Черков узок вакт халкни жахрлатда саклаб келса х.ам, лекин у барибир кишиларнинг реал хаёт зав^-шавкига булган иштиё*цини* буга олмади.

Урта асрлар адабиётининг ривожланишига катта таъсир этган омиллардан яна бири антик маданиятдир.

Герман «варвар» кабилалари Рим империясига бостириб кириб, куп шах.арларни вайрон килган, антик дунё маданий ёдгорликларини топтаган ва унга душманлик назари билан караган эди. **К**[а]Димги дунё шоир ва драматургларининг куп асарлари шу тарика йуколиб кетади. Лекин рухонийлар антик ёзувчиларнинг каламига мансуб булган, узларигача етиб келган текстларни тулалигича халкка маълум киАмасдан, балки уша текстлардан эътиборсизлик билан танланган парчаларнигина олиб, уларни христиан дини таълимотига «мослаштириб» талкин киладилар.

Шундай булса х.ам, реал х.аёт билан богланган дунёвий рух.даги антик маданият урта асрлар турмушига уз таъсирини утказиб келди. Урта асрлар рицарь поэзиясида Рим шоири Овидий тилга олинади. Македониялик Искандар х^акидаги эртаклар, Вергилийнинг «Энеида» поэмаси ва шунга ухшаш асарлардан урганиш, фойдаланиш асосида дастлабки рицарь роман ва киссалари вужудга келади,

**[1] К. Маркс, Ф. Энгельс, Танланган асарлар, II том, Уздавнашо 1959, 106-бет.**



Славян халклари яратган эпик поэзия х^ам урта асрлар адабиёти тараккиётида катта урин эгаллайди. Омманинг мустакиллик ва озодлик учун олиб борган курашлари акс этган «Игорь жангномаси», болгар ва серб эпоси, Крали Марко хакидаги кушиклар жах.он адабиёти хазинасига кушилган дурдона асарлардир.

**Ка**^рамонлик эпослари хусусида мух.окама юритилган вактда Гарб ва Шарк халклари ижоди уртасида баъзи бир якинлик ва ухшаш сюжетлар мавжуд эканлиги уша давр халкларининг маълум бир тараккиёт боскичида яшаб, келажак бахтли кунлар хакидаги яхши истак-орзуларининг муштараклиги билан изох.ланади.

**Урта асрлар давГларгГб^линиши**

Урта асрлар адабиёти ун аердан зиёд тарихий даврни камраб олади, у икки босцичга були«ади: а) цабила тузумининг емирилинш ва феодализмнинг барпо булиши даври адабиёти; б) ривожланган феодализм даври адабиёти.

Урта асрлар адабиётининг бошлангич этапи X аергача булган даврни уз ичига олади. Лекин Европа мамлакатларида феодал муносабатлари турли муддатда шаклланганлиги туфайли бу даврлаштириш х.ам нисбийдир. Масалан, феодаллашиш жараёни олдин Францияда (IX аср), ундан анча кейин Германияда, сунгра Англияда содир булади. Европанинг шимолий улкаларида, кельт ва скандинавлар яшаган жойларда, *бу жараён яна х.ам кеч ^бошланади. Кельт ва скандинавларда илк бадиий ижодиётнинг уз холича сакланиб колиши ва унда кабила хаёти колдикларининг акс этиши, бу улкаларда христиан дини таъсирининг заифлиги ва халкларнинг уз мустакиллиги учун каттик туриб кураш олиб борганлигининг натижаси эди. Шунинг учун Кельт ва Скандинавиянинг махаллий рухонийлари — монахлар мажусийлик рух.и билан сугорилган барча халк адабиёти ёдгорликларини уз х.олича ёзиб олганлар,

Ривожланган феодализм даври (XI—XV асрлар)да уч турдаги бадиий ижод — халк адабиёти, клерикал ва феодал-рицарь адабиёти мавжуд эди. Урта асрлар хаётида уз имтиёзларини саклашга интилган диний-черков адабиёти билан замонавий феодал-рицарь адабиёти бир-бири билан боглик; х.олда таракдий этади. Бу давр ках.рамонлик эпосида рицарнинг уз валинеъматига садокати биринчи планда тасвирланади. Бу XIII аср охиригача давом этади, чунки бу давр ижтимоий х.аётида рицарлар катта урин эгаллаб, урушлар олиб борар ва уни уз фойдаларига х.ал килар эдилар.

XIII аср охири ва XIV аср бошларида урта аерларнинг «гули» булган шах.арларнинг кад кутариши ва мустахкамланиши билан янги ижтимоий табака—бюргерлар уз кучини з$ис ^илиб, душманга ^арши курашга отланади ва феодал кушинларига кетма-кет зарба беради. Шундай килиб, «бюргерлар ва дех.конлар рицарларни маглубиятга учратадилар»[1].

**[1] К. Маркс и Ф. Энгельс, Сочинения, том XVI, часть I, стр. 448.**



11111111Ё11111111И111111 Ш Н ИШИШ 1ИШ11 Ц Н Ч Ч Д -

XIII асрда ривожлана бошлаган ша^ар адабиёти халк. ижоди традицияларига суяниб барча эзилган синфларнинг истак-орзуларини ифодалайди, х.укмрон дворян-аристократияга карши халк. норозилигини акс эттиради.

Шундай цилиб, урта асрлар феодал истибдоди, динии хурофот асридангина иборат булмай, балки зулмга карши ме^наткаш дех.-К.онлар ва «...улар оркасида з^озирги замон пролетариатининг к.улларига кизил байроц тутган ва мулкни умумлаштиришни талаб килган утмишдошлари х.ам чиркан»[1] давр булди.

Шунингдек, урта асрлар бизга ажойиб адабий мерос ва архитектура ёдгорликларини колдирди. Бу давр «буюк прогрессив узгариш» даври, паз^лавонларга муз^тож булган ва титанлар яратган, узларининг улмас асарлари билан кишилик маданияти ривожига катта з^исса ^ушган Боккаччо ва Рабле, Шекспир ва Сервантес каби титан ёзувчиларнинг етишиб чикишларига замин тайёрлаган давр з$ам булди.

1

[1] К. Маркс, Ф. Энгельс, Танланган асарлар, II том, 1959, 60 61- бетлар.

БИРИНЧИ БУЛИМ

# ИЛК УРТА АСРЛАР АДАБИЕТИ

*

## I боб. ИБТИДОИЙ ЖАМОА ТУЗУМИНИНГ ЕМИРИЛИШИ ВА ФЕОДАЛИЗМНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ДАВРИ АДАБИЕТИ

### РИМ ИМПЕРИЯСИ КУЛАГАНДАН СУНГ ГАРБИЙ ЕВРОПА

Рейн, Дунай ва Висла дарёлари ёкалари ва Скандинавиянинр жанубий кисмидаги ерларда кадимги герман кабилалари яшар эдилар. Уларда ибтидоий жамоа тузуми х;укмрон булиб, асосан, чорвачилик ва овчилик билан шугулланганлар, дездончилик эса з^али ривожланмаган эди. Ер к,абила жамоаси ихтиёрида булиб, у коллектив равишда ишланар эди. Душман з^ужум килган вактда бутун кабила бирлашиб, унга к.арши курашарди.| Уруш очиш, з^арбий бошлик тайинлаш ва бошка масалалар» халк. мажлисида з^ал килинар эди. Энгельснинг курсатишича, кабила-жамоа тузумидан «з^арбий демократия» усиб чикади. Уруг бошида халк. мажлиси сайлаган князь туради. Х^а^Рбий ишларда бевосита раз^барлик килган бошлик, (герцог) жамоа хаётида катта роль уйнай бошлайди.

«Талончилик уларнинг максади булиб колган эди. Агар дружина бошлигининг уз жойига якин ерларда киладиган иши колмаса ва бошка халклар яшайдиган жойларда уруш булиб турган булса, у, бирор улжа олиш максадида, уз отряди билан шу жойларга боради...»

1\абила о^соколи ва з^арбий бошликларнинг халк^ мажлисида имтиёзли урин тутишлари, асосий масалаларнинг улар томониданолдиндан хал килиб куйилиши, шунингдек, кулга туширилган улжанинг куп кисми бошликларнинг ихтиёрида к.олдирилиши мавжуд тенгликни йукота боради. Ана шундай килиб, аста-секин уругдошлик тузумининг умри тугади. «Ме~х,нат таксимоти ва унинг окибати — жамиятнинг синфларга булиниши натижасида уругдошлик жамияти емирилди. Уругдошлик тузуми урнини *давлат* олди»[2].

[1] К. Маркс, Ф. Энгельс, Танланган асарлар, II том, Уздавнашр,. Тошкент, 1959, 322-бет.
[2] К. Маркс ва Ф. Энгельс, Уша асар, 348- бет.

Европада феодал урта асрчилигининг бошланиши Гарбий Рим империясининг емирилиш даврига тугри келади. Уругчилик жамоа иттифокларига бирлашган «варвар» кабилаларининг империя ерларига килган х.ужумлари кул ва де^конлар революциясининг галаба килишига ва эски кулдорлик тузумининг емирилишига имкон беради.

Халкларнинг кучиб юриши ёки кучманчилик даври деб аталган бу асрлар тухтовсиз урушлар билан тулиб-тошган эди.

Ибтидоий жамоа тузуми шароитида яшаган герман кабилаларининг хийла ривожланган огзаки адабиёти булганлиги х.акида Юлий Цезарь (эрамизгача I асрнинг урталари), Тацит (эрамизнинг I аср охири) ва бошка тарихчиларнинг асарларида маълумотлар бор.

Кадимги германларнинг мифологик характердаги кушикларида кабила худолари, мех.нат ва ка^рамонликлар, шунингдек, уруг урф-одатлари акс этган. Рим империяси кулаб, феодал муносабатлари ташкил топа бошлагач, христиан черкови халк кушикларидаги мажусий карашларга карши кураш олиб боради, эпик асарларга хам худди шу тартибда христиан дини акидалари таъсири утказилади. Натижада Марказий Европа германларининг мажусий урф-одатлари акс этган эпик ёзма ёдгорликлари йуколиб кета-(диГ^Гррман ках.рамонлик эпоси XII—XIII асрларда ёзиб олина бошлаган. Лекин хаттотлар черков ходимларидан иборат булгани сабабли, улар бу асарларга христианлик карашларини киритганлар.

Кадимги герман эпосларининг сюжети халкларнинг кучманчилик даври тарихидан олинган. Уларда турли тарихий шахсларнинг жанговар курашлари бош ках.рамонларнинг саргузаштларида ифодаланган. Шунинг учун хам кадимги вокеалар х.акидаги эртак ва ривоятлар бадиий ёдгорлик сифатида утмиш тарихни урганишда катта ахамиятга эгадир.

Бир катор эртак ва киссаларда герман кабилаларининг гуннлар билан олиб борган урушлари тасвирланади:

Нибелунгларнинг улими х.акидаги ривоятда золим Аттила нибелунглар хазинасини эгаллаш максадида бургундлар кироли Гунтер ва унинг сипох.ийларини уз мамлакатига мехмонга чакириб, уларни улдиради. Ривоятда айтилишича, Аттила уз ажали билан вафот этган. Бирок кейинги эпик эртакларда герман асираси Ильдико акалари учун касос олиб, Аттилани улдиради, деб курсатилади.

Бургундларнинг х.алокати х.акидаги эртак Галлия ва Рейн буйидаги айрим ерларни ишгол килган франклар ва уларнинг ках.-рамони Зигфрид ^акидаги ривоят билан уланиб кетади. Зигфрид ажойиб ках.рамонлик билан ёвуз аждах.они улдириб, нибелунгларнинг бой хазинасини кулга киритади. У бургундлар кироллигига кирол Гунтер киёфасида келиб, унинг душманига карши урушларда катнашади. г\ирол Гунтер синглиси Кримхильдани унга беради. Зигфрид х.ам Гунтерга ажойиб баходир киз Брюнхильдани олишда кумаклашади. Гунтер киёфасига кириб курашган киши Зигфрид эканлиги ошкора булгандан кейин, газабланган Брюнхильда Гунтердан Зигфридни улдиришни талаб килади. Зигфрид халокатидан кейин нибелунглар хазинаси бургундлар ихтиёрига ^тиб кетади. Очкуз Аттила бу хазинани узиники килиш максадида бургундлар киролини мехмонга таклиф килиб, уларни х.алок этади. Зигфриднинг хотини Кримхильда тугишган акалари учун уч олиб, уни улдиради.



Немисча «Нибелунглар х,акида кушик»да (XII аср) тарихий вокеалар янги туе олади, Кримхильда эри Зигфрид учун уч олиб, уз акаларини улдиради. Бу эса уругчилик конунлари урнини оила тартиблари эгаллаётганидан дарак берар эди.

Кадимги герман эпоси х,арбий ках.рамонлик, уруг учун уч олиш, узаро жанжаллар ва шунга боглик булган бошка саргузаштларни акс эттиради. Ижобий образлар хам ахлокий, х.ам жисмоний жихатдан идеал ках.рамонлар, салбий образлар эса касоскор ва жиноятчи кишилар сифатида тасвирланади.

476 йилда Одоакр турли «варвар» кабилаларидан ташкил топтан уз дружинаси билан сунгги Рим императори Ромул Августулни енгиб, унинг тахтини эгаллади. Бирок Одоакрнинг х.укмронлиги купга чузилмайди. 493 йилда остготлар кироли Теодорик Одоакрни зиёфат вактида улдириб, давлатни кулга олади. Остготларнинг Италияда х.укмронлиги 555 йилгача давом этади[1].

«Хильдебрант х^акида кушик»да мана шу тарихий вокеалар маълум даражада узгаришларга учрайди ва улар эркин талкин ^илинади.

**«Хильдебрант ^а^ида** чушич»

Кадимги герман эпосининг кабила дружина ^аётини акс эттирган бирдан-бир намунаси «Хильдебрант х.а^ида **1**^ушик»дан колган парча булиб, у VIII аерда ёзиб олинган.

**Кирол** Одоакр билан келиша олмаган кекса жангчи Хильдебрант ча^ало^ угли Ходубрант ва ёш рафик.асини уйда колдириб, Дитрих Бренский дружинаси билан чет элга кетади ва гуннлар к.ироли Аттила саройида хизмат к,илади. Бир неча йиллардан сунг уз ватанига кайтади. Лекин пах,лавон лашкар боши булиб етишган угли Ходубрант дружинаси каршилигига дуч келади. Кекса **Хильдебрант** ёш жангчидан унинг кайси уруг ёки кабилага мансуб эканини сураганида, у к.арияларнинг хикояларига асосланиб, отаси Хильдебрант к.ирол Одоакр газабидан кочиб, Дитрих дружинаси билан Шарк. томонга кетиб колганини, узининг исми Ходубрант эканини айтади. Ота углини таниб, *узк*нинг ким эканини маълум килади, лекин Ходубрант Хильдебрантнинг сузларини найранг деб тушунади, чунки у отасини улиб кетган деб эшитган эди. Ходубрантнинг ишонмаслиги ва унинг шаънига хакорат сузлар айтиши Хильдебрантни газаблантиради. Бу нарса уларнинг яккама-якка к.аттик. олишувига сабаб булади.

[1] К.ора денгиз соз^иллари, 1\рим, Украина ерлари ва Болтик, буйларида остгот ва вестгот деб аталувчи к.абилалар яшаганлар. Гуннлар ^ужуми (IV аср охири) даврида остготлар гуннлар томонига утиб, Римга босиб борадилар. Вестготлар эса Рим билан иттифок. тузиб, гуннларга карши курашда иштирок этадилар. Остготлар Италияда VI аср урталаригача, вестготлар Испанияда VIII аергача хукмронлик киладилар.

«Хильдебрант хак,ида ^ушик»да халкларнинг кучманчилик давридаги курашлари тасвирланган. Герман Хильдебрант гунн Аттила саройида хизмат килиб, уз тугишганларига карши кул кутаради. **«Кушик»**даги фожиа ота билан бола тукнашувига сабаб булган кутилмаган вокеадагина эмас, балки ^азфамоннинг мураккаб ички кечинмаларида ва х.арбий бурч билан оталик **занеси** уртасидаги зиддиятда хам намоён булади.

**«Кушик»**нинг охири сакланмаган, лекин шунга карамай, вокеаларнинг мантией ^амда халк^ эпоси анъаналарига биноан, масалан, шарк^ адабиётида Фирдавсийнинг «Шохнома»сидаги Рустам билан унинг угли Сухроб, **рус** эпосидаги Илья Муромец билан Сокольник, кельт эпосидаги Кухулин билан Конлайх уртасидаги тукнашувларнинг барчасида ота, купдан бери курмаган углига дуч келиб, уни танимай улдириб куйгани каби бу асар хам угил Ходубрантнинг фожиали улими билан тугаган, деб тахмин килиш мумкин.

«Хильдебрант хакида кушик.» х.ажми ихчам эпик поэмадир. Асарда бадиий тасвир кам учрайди. **К**ах.Рамонлаp уртасидаги диалоглар к.иск.а ва лунда курилган. Бу эса «Г\ушик.»даги вокеалар драматизмини кучайтиради. **«Кушик»** кичик булишига карамай, унда казфамонларнинг тугалланган образлари яратилган. Чол Хильдебрант з^аёт ва кураш тажрибасига бой донишманд, Ходубрант эса жанговар саргузашт ва кураш з^иссиётлари таъсирига берилган ёш жангчи сифатида тасвирланади.

«К.ушик»нинг вазни оз^ангдор ва муси^ий булиб, у арфа журлигида куйлаб келинган.

**«Ьеовульф хакида поэма»**

Британияга кучиб утган герман кабилалари орасида юзага келган инглиз-сакс кахрамонлик эпосининг бизгача етиб келган ягона намунаси «Беовульф х^акидаги поэма»**дир.** Асар VIII—IX асрлар мобайнида яратилиб, X аср бошларида ёзиб олинган. Поэмада мажусийлар даврига хос к.адимги герман афсоналари акс этган, лекин кейинги вактларда унга христиан диний к,арашлари з^ам киритилган. Поэма уч мингдан ортик^ миерали булиб, икки киемдан иборатдир.

Асарнинг биринчи кисмида Дания кироли Хротгарнинг саройи тасвирланади.

**г\ирол уз дружинаси билан утказадиган зиёфатларига мулжаллаб катта мехмонхона к.урдириб, уни «Хеорот», яъни «Буру к,асри» деб атайди. Лекин киролнинг бу мехмонхонадаги хурсандчилик кечалари куп давом этмайди. Денгиз буйидаги ботк.окликларда яшовчи даз^шатли махлук, Грендель кечалари киролнинг жангчиларини еб кета бошлайди. Бу к,айгули хабар Швециянинг жанубий ерларида яшаган геотлар кабиласига бориб етади ва бу кироликнинг бахрдири Беовульф ундан ортиц жангчилари билан денгиз орк.али Данияга келади. Уша куни кечаси одамхур Грендель Хротгар саройига яна тажовуз к,илиб, ухлаб ётган сок,чилардан бирини улдириб, унинг к,онини сурадн ва гуштини ютади. Иккинчи одамни емокчи булиб турганда у Беовульфнинг метиндек ^улларига тушади. Икки уртада олишув булиб. одамхурнинг суяк ва пайлари мажакланади, кули эса Беовульфнинг кулида колади. Мажрух. душман уз уяси томон судралиб кетади. Эртасига кечаси Гренделнинг онаси**



**келиб, угли учун уч олиб, Хротгарнинг дружинасига катта талафот етказади. Бу вокеадан хабардор булган Беовульф тездан унинг изидан бориб, хавфлиботкоклик ичига киради. Дахшатли душманни к,аттик, жангда енгиб, калласини улжа килиб саройга келтиради. Кушнн мамлакат Данияни йирткич душмандан озод к,илган Беовульфнинг хизматлари так,дирланади ва у катта тантана билан уз ватанига к,айтади.**

Поэманинг иккинчи кисмида Беовульфнинг кариган чогидаги х.аёти ва кахрамонона кураши акс эттирилади. Беовульф идора килаётган ерда дахшатли ут сочувчи аждарз^о пайдо булиб, зсамма нарсани куйдириб-куритиб юбора бошлайди. Беовульф бу душман билан з^ам жанг килиб, уни зсалок этади. Лекин узи з^ам аждарз^онинг захарли тишидан огир ярадор булиб улади. Унинг жасадини утда куйдириб, тантана билан кумадилар.

Поэмада Беовульф образи мард, одамларга ёрдам бериш учун уз жонини фидо килишдан з^ам к.айтмайдиган олижаноб халк, казфамони сифатида тасвирланган.

Эпос кабила тузуми емирила бошлаган даврда яратилган. Буни мажусий одатини курсатадиган катор аломатлардан билиш мумкин. Дружина з^аёти, к,ирол билан пазелавонлар уртасидаги муносабат, уликни куйдириб кумиш расми ва бошкалар шулар жумласидандир.

Бирок^ мазкур поэма бизга етиб келгунга кадар катта узгаришларга учраган. Христиан хаттоти поэмани ёзиб олиш вактида мажусий (христианликкача булган будпарастлик) худоларининг номларини чикариб ташлаган ва мажусийлик карашлари урнига христиан черкови акидаларини киритган; дахшатли махлуц Грендель «дузах рузеи», «гуноз^и учун худо томонидан ^увилган» шайтон деб курсатилади, Каин ва Авелларнинг номи тилга олинади. Бу образ ва номлар сунъийлиги билан ажралиб туради.

## II боб. КЕЛЬТ ЭПОСИ

Гарбий Рим империяси куллар ва колонлар революцияси хамда «варвар» кабилалари з^ужуми натижасида емирилиб, унинг территориясида к.атор мустакил давлатлар пайдо булади. V аср бошидаёк. Британияда яшаётган кельт к;абилалари империянинг тухтовсиз урушлар натижасида заифлашиб колганидан фойдаланиб, Рим х.укмронлигига к,арши ^узгаладилар ва мустак,илликни к.улга киритадилар. V аср урталарига бориб Шимолий Германияда жойлашган инглиз-сакс кабилалари Британияга кучиб ута бошлайдилар ва маз^аллий ^абилаларнинг каршилигига дуч келадилар.

Узок, давом этган курашдан сунг кельт к.абилаларининг бир кисми оролнинг шимол ва гарбидаги ерларга чекинади, иккинчи кисми истилочиларга карам булиб колади, колган кисми эса инглиз-сакс кабилалари билан ^ушилиб кетади. Британия территориясида бир неча давлатнинг пайдо булиши, истилочиларнинг маз^аллий халкни эзиши ва к.ул килиши натижасида уругчилик жамоа тузуми урнига аста-секин феодал муносабатлар юзага кела

бошлайди. Кельт кабилаларида уругчилик тузуми кучли булганидан бу жараён узоц давом этади. Исландиянинг XIX асргача иктисодий ва сиёсий томондан колок, мамлакатлигича крлиши шунинг окибати эди.

«Х^озирги вактгача сакланиб келган кельт конунларидан энг кадим замонга оид булганлари бу замонларда уругнинг бекаму куст яшаб турганлигини курсатади; Ирландияда инглизлар уругни зурлик билан бузиб юборган эдилар, лекин унда х,атто з^озирги вактда ^ам уруг, з$ар з^олда инстинктив тарзда, халкнинг ёдида туради; Шотландияда ур;г- хатто утган асрнинг уртасида хам тула-тукис авж олиб турмокда эди ва бунда х.ам факат инглиз куроли, конунлари ва суди воситаси билан йук кмлинди»[1].

Инглиз-сакслари истилосигача кельт кабилалари ерни жамоа булиб ишлаганлар, уз ораларидан чиккан оксоколга буйсунганлар, муз^им масалаларни эркаклар йигинида демократик асосда х,ал килганлар. К[а]била тузумига хос гуру^ий никох.нинг колдиклари, оналик даври тартиблари, ёвузлик аломатлари — крнга кон олиш каби урф-одатлар янги эранинг бошларида юзага келган ирланд ках.рамонлик эпосида уз ифодасини топади.

## ИЛК УРТА АСРЛАР ДА ХАЛК ПОЭЗИЯСИ

Кельт кабилаларининг х.аёти ва урф-одатлари х^акидаги халк поэзияси асосида аста-секин ках.рамонлик эпоси юзага келади. Бу эртаклар давр утиши билан айрим кушикчилар томонидан айтиладиган булади. КУШИ1^чилаР икки гуруз^га — бардлар ва филидларга булинганлар. Бардлар лирик поэзия билан, филидлар эса асосан конунлар, кабила урф-одатларини акс эттирган эпик поэзия билан шугулланиб, улар кушикчи-хикоячи деб номланганлар.

Филидлар эпик з^икояларни системалаштирганлар. Улар, айникса, кечалари князь саройида казфамонларнинг утмиш саргузаштлари з^акидаги з^икояларни айтганлар. Бу киссалар насрий услубда баён килинган. Шунинг учун улар кейинро^ «сага» (кисса) номини олган. Филидлар сагадаги тасвирлар орасига шеърий парчалар киритиб, унинг таъсир кучини янада оширганлар. Сагалар кабиладан-кабилага утиб, узок сакланиб колган. Ирланд сагаларини VII—VIII асрларда ёзиб олган монахлар уларга христиан карашларини киритганлар. Лекин ирланд монахлари Римга тобе булмаганликлари туфайли, сагаларни унчалик куп узгартмаганлар. Шунинг учун ирланд сагаларида мажусий урф-одатлари, кабила хаётининг колдиклари равшан ифодаланган.

**(и ланд)ЛЬТ иссаси**
**ир киссаси**

Ирландия кадимги кельт маданиятининг марказы эди. Кельт (ирланд) киссалари сюжетининг хилма-хиллиги, мазмундорлиги, тилининг равонлиги к.ах.рамонлар руз^ий з^олатининг ёркйн тасвири билан ажралиб туради. Ирланд эпосининг энг кадимги кисми улад цик-

[1] **К. Маркс, Ф. Энгельс. Танланган асарлар, II том, 308-бет.**



лидаги киссалардир. Бу киссалар Шимолий Ирландияда яшаган слад кабилалари уртасида янги асрнинг бошларида насрий услубда юзага келади.

Киссалардаги вокеа улад кироли Конхобар, унинг жияни пахлавой Кухулиннинг з^аёти ва саргузаштларига боглик^ равишда ривожланиб боради. Ирланд эпосида узаро конли урушлар, кабила одатлари, уларнинг уругчилик даври худоларига эътикоди ва бошкалар акс эттирилади. Бу эпоснинг дастлабки намуналаридан бири «Уснех угилларининг кувилиши»дир.

**«Уснех угиллари-винг чувилиши»**

**Уладлар киролы Конхобарнинг сарой бахшиси Федельмиднинг уйида булган сухбат вактида ичкари хонадан чак,алок,нинг к.аттик. чинк.ирган овози эшитилади. Федельмиднинг хотинини чак.ириб, вокеани сураганларида, у бу товуш уз ичидан чиеданини айтади. Донишманд Катбад она корнида ажойиб киз борлигини, унинг исми Дейрдре булишини ва бу кдз тугилиб вояга етгач, жуда куп кишиларнинг к,они тукилишини башорат к,илади. Уладлар бу суздан з^аяжонланиб, кизга улим, деб кичк.ирадилар. Конхобар эса бунга эътироз билдириб, к.изни уз саройида тарбиялаб, катта булгач, хотин к,илиб олажагини айтади.**

**Бола тугилгач, чиндан з^ам к,ирол саройида тарбияланади. Кизнинг Довруурини эшитган Уснехнинг бах.одир угиллари уни куришга ошикадилар. Куп к.ийинчиликдан сунг улардан бири — Найси гузал к.из Дейрдре билан учрашади. Шундан сунг уч ога-ини маслахатлашиб, кизни олиб к.очадилар. Лекин к,айси юртга бормасинлар, кирол Конхобар уларни таък,иб этаверади. Шундан сунг улар Шотландияга утиб, чекка жойларда огир турмуш кечирадилар, уз х,аётларини сак.лаб к.олиш учун Шотландия к.ироли хизматига киришга з^ам мажбур буладилар. Кизнинг гузаллиги з$ак.идаги гап Шотландия к.иролига з;ам етиб боради. Кирол Цизни узига суратади. К 3 унинг таклифини рад этгач, хаётлари яна з^ам хавф остида колганини сезган Уснехнинг угиллари бошка бир оролга бориб, уша ерда яшай бошлайдилар. Бу вок.еадан хабардор булган к.ирол Конхобар уларнинг гуноз^ларини кечганини, бемалол к.айтиб келишлари мумкицлигини маълум к,илади. Кирол шундай мунофик,лик билан ^снех угилларини к.улга тушириб улдиртирадн, гузал Дейрдрени олмоцчи булади. Лекин к.из хиёнаткор Конхобарни ва к,отил Эоганни лаънатлаб, уз севгисида содик. к.олишини айтади ва аравадан узини 1^оя тошга ташлаб, фожиали равишда х.алок булади.**

«Уснех угилларининг кувилиши» жуда кенг таркалган ^адимий ирланд киссаларидан бири булиб, кельтлар томонидан яратилган севги х.акидаги ажойиб бадиий ёдгорликдир. Киссанинг мазмуни «Тристан ва Изольда» з^акидаги х^икояга якин туради. Киссанинг кадимийлиги шундан хам маълумки, х.али х.икояда ках;рамон Кухулин тилга олинмайди, бутун вокеа унинг тогаси кирол Конхобар х.акида боради. Бу киссанинг асл нусхаси сакланмаган. Унинг X асрда кучирилган ёзма нусхаси ва огзаки вариантлари мавжуддир.

**«Мак-Дато чучкаси з?ак.ида к.и'сса»**

«Мак-Дато чучкаси хакида кисса» энг кадимги ирланд эртакларидан биридир. Ирланд кабилаларига хос урф-одатлар гавдаланган бу киссада кирол Конхобарнинг жияни пахлавон Конал Ролиб асарнинг марказида туради. Асарда ривоя килинишича, зотли пойлокчи ити туфайли кирол Мак-Дато мушкул аз^волга тушиб колади.

Антик эпослардаги Одиссей, Эней сингари номаълум улка — «нариги дунё»га саёхат килган Кухулин уша ерда «илох.ий куч»-ларга салбий карайди.

Бу саргузаштларда («Кухулиннинг хасталиги» киссаси) Кухулиннинг севгиси х.акида х.икоя килинади. «Шодлик улкасига» борган Кухулин огир синовдан утади, душман аскарларини маглубиятга учратиб, малика Фанднинг диккатини узига тортади ва унинг истаги билан бир ойча яшаб, яна Ирландияга кайтади.

Кухулиннинг бир узи бутун бир душман кушинининг х.амласини кайтаради. Душман уни факат маккорлик ва найранг билан халокатга махкум этади. К аттик жарох,атланган Кухулин йикилиб улишни истамайди, баланд кряга суянади ва узини кайиш билан тошга боглаб, ках,рамонларча тик туриб халок булади. («Кухулиннинг улими» киссаси.)

Улад цикли киссаларидаги шахсларнинг з$еч бирини Кухулин билан таккрслаш мумкин эмас. У афсонавий казфамонлик хусусиятларини узида мужассамлаштирган, Ирландияни душман з^ужумидан саклаш учун курашган зур паз^лавон сифатида курсатилади.

Кельт киссаларида казфамонларнинг куч-кудратини ифодалашда муболагадан кенг фойдаланилган. Масалан, Кухулинда «жанго-Еар газаб» тугилганда бутунлай узгариб, даз^шатли тусга киради, бугинларини титро^ босади, товон ва тиззалари буралиб, суяклари уз урнидан кузгалади, мускуллари муштумдай буртиб чикади. Бир кузи ичкарига ботиб, иккинчиси эса ташкарига чакчайиб чикиб кетар эди... Огзи кулоклари томон кенгайиб бориб, тишларининг гижирлашидан учкун чакнарди. Юрагининг тепиши йулбарснинг букиришига ухшар эди. Унинг да^шатли газабидан булутларда чакмок пайдо булар эди. Бошидаги сочлари тоголча дарахтининг новдалари сингари чалкашиб кетар эди[1]. «Кухулиннинг Фердиад билан жанги» киссасидаги мазкур тасвир узбек халк ках.рамонлик эпоси «Алпомиш»даги калмоц пах.лавонларининг тасвиридаги муболагани эслатади.

Кухулиндаги заифларга ва эзилганларга ёрдам бериш, ваъдага вафо килиш, купчилик манфаатини химоя килиш каби хусусиятлар унинг олижаноблигидан дарак беради. У, вакти келганда, бир узи з^ам ватанини ёвуз душмандан з^имоя ^илади. Кухулин куч-кудрати, акл-заковати, жасур ва чак^онлиги, душманга шаф-^атсиз ва дустларига садокатли хамда адолатли булиши билан узбек эпосининг кахрамони Алпомишни эслатади.

Кельт киссаларидаги ^ар бир казфамоннинг узига хос хусусиятлари бор: Фергус содда диллиги, Кет дагал ва рах.мсизлиги, Найси жасур ва олижаноблиги, Эмер эрига вафодорлиги билан ажралиб туради. Ирланд казфамонлик эпоси билан бир каторда, фантастик туркумдаги киссалар з^ам урта асрлар халц поэзиясининг яхши намуналари сифатида диккатга сазовордир. Улар ора-

[1] *«Ирландские саги»,* **1956, стр. 340—341.**



сида севги темасидаги «Бейли хакида кисса», «Этайнга мух.аббат», денгиз саргузаштлари билан боглик «Фебелнинг угли Браннинг сузиши» киссалари анча машх.урдир. I

Кадимги кельт эпоси Гарбий Европа адабиётига сезиларли таъсир курсатди. Куп ёзувчилар ирланд афсоналарининг сюжетларига мурожаат этдилар. Масалан, улуг инглиз драматурги Шекспир «Ёз кечасидаги туш» асарида «Этайнга мух.аббат» киссасида ифодаланган инсон ва сид (пари) уртасидаги севги муносабатларидан ижодий фойдаланди.

## III боб. КАДИМГИ СКАНДИНАВИЯ АДАБИЁТИ

### ИЛК УРТА АСРЛАР ДА СКАНДИНАВИЯ МАМЛАКАТЛАРИ

Скандинавия мамлакатлари — Дания, Швеция, Норвегия ва Исландия уз тараккиёт боскичлари жих.атидан Европадаги бошка мамлакатларга нисбатан анча оркада колган эдилар. Бу улкаларга христиан дини хам кеч кириб келди. Шунинг учун Скандинавияда кабила тузуми колдиклари узок вакт сакланиб колади. Бу мамлакатлар денгиз ёкасида жойлашганлиги учун ахрлининг купчилиги овчилик билан шугулланади. Ерлар камунум кир ва урмонзорлардан иборатлиги туфайли дех.конлар кучиб юришга мажбур булганлар. Кабила аъёнлари учун дех.конларни карам Х.олда тутиш ва эксплуатация килишдан кура, денгиз йуллари буйлаб боскинчилик килиш кулай ва фойдали эди, улар кулга туширилган улжаларни денгиз оркали бош^а улкаларга олиб бориб сотар эдилар. Бу х.олат Скандинавияда феодал муносабатларнинг анча кечикиб шаклланишига боис булади.

Скандинавияда факат XI асрлардагина катта ер эгалари пайдо була бошлади. Бу х.ам х,амма ерда бир текисда юз бермади. Масалан, Швеция, айникса, Норвегияда бу жараён сует боради. Христианлик х,ам ^абила тузумининг ?;олди^лари, кадимги диний урф-одатларнинг каршилигига дуч келади. Швед кироли Олаф XI асрнинг охирларида биринчи булиб христианликни кабул килади. Христиан дини феодал хукмронлигини мустах.камлаш учун узок кураш олиб боради. Шу сабабли кирол х.укумати дехдонларни черковга хирож тулаб туришга мажбур киладиган ^онун чикаради. Бу ^онун Швеция ва Данияда дех.конлар галаёнига, х.атто кирол х.укумати ва черковга ^арши шиддатли жанглар бошланиб кетишига хам сабаб булади. Бирок бу х.аракат шафкатсизлик билан остирилади ва дех.^онларнинг купчилиги черковга ва феодалларга к,арам крепостной дех^конга айланиб колади. Кироллар христиан дини учун кураш никоби остида дех.конларни буйсундирибгина колмай, кушни мамлакатларни босиб олишга х.ам уринадилар. Швед кироли XII аерда «салиб юриши»ни бошлаб Финлян-

**дияни истило** килади. Фин халки зурлик билан христиан динига киритилади. Невага юриш бошлаган шведлар 1240 йилда Александр Невский бошчилигидаги рус жангчилари томонидан какшаткич **зарбага** учрайдилар.

Скандинавияда яшаган кабилаларнинг денгиздан к.илган х.ужумлари купинча Англия ва Францияга карши каратилар эди. IX—X асрларда норвеглар Ирландиянинг куп кисмини босиб олиб, **уни** колонияга айлантирадилар. IX асрнинг охири ва X асрнинг биринчи чорагида улар Исландияни х,ам кулга киритадилар.

Урта аср Скандинавия адабий ёдгорликларининг куп намуналари Исландия кушиклари ва киссаларидан иборатдир.

Исландияда патриархал кабила тузумининг узок, давом этиши ва христианлик таъсирининг заифлиги натижасида мифологияга асосланган уша давр адабиётида (XII—XIII аср) Скандинавия халкларининг яшаш тартиблари, мажусийлик дини хамда урф-одатларининг крлдиклари тула сакланган х,олда етиб келган.

**Кадимги** Исландия адабиёти ёдгорликлари «Эдда» кушиклари, скальдлар поэзияси ва прозаик киссалардан иборатдир.

**«Эдда» кўшиклари**

«Эдда» кушиклари мифологик, кахрамонлик ва ахлокии-тарбиявии мазмундаги кушиклардан таркиб топган. «Эдда» асосан X—XII асрлар мобайнида яратилган **булса** хам, лекин унда акс этган вокеалар к.ушикларнинг жанр сифатида анча илгари шаклланганини курсатади. Туплам XIII асрда ёзиб олинган. К.У^Л ёзмани Исландия епископи Бриниольф Свейнсон XVII аср урталарида топган ва исландиялик Снорри Стурлусоннинг поэзия санъатига дойр прозаик трактата—«Эдда» (XIII аср боши)га асосланиб «Эдда» номи билан нашр эттирган. Сноррининг кичик ёки прозаик эддасига нисбатан анча илгари яратилган кушиклар туплами «Катта ёки шеърий Эдда» **деб** аталган. У 30 кушикдан таркиб топгандир.

**Кадимги** хамма динлар каби, Скандинавиядаги мажусий мифологияда з^**ам** худолар катта кучга эга ва инсонга хос хусусиятлар билан тугиладиган ва уладиган килиб курсатилган.

Скандинавия мифологиясида бош худо Один ер ва инсонни яратувчи, шунингдек, уруш худоси сифатида талкин килинади. Один жангларда кимни хозсласа, шунга галаба келтиради. Тошболга билан куролланган Тор момакалдирок^ худоси булиб, у шу куроли (тош даври короли) оркали худоларнинг душмани — бахайбат девларни маглубиятга учратади ва дехконларга зсомийлик килади.

Скандинавия мифологиясида алохида урин тутган Локи худолар билан бахайбат девлар уртасида туриб, гуё охират олдидан буладиган узил-кесил урушда худоларга карши жанг килади, деб тасаввур килинади. Табиат хакидаги ибтидоий тушунчалар дунёда бир канча худолар каторида рухлар, бахайбат девлар ва карлик (митти)лар х,ам мавжуд деган карашларни келтириб чи^арган. Бахайбат девлар денгизнинг нарёгида яшаган, уларни



худо ва одамларга душман, табиатни емирувчи кучлар деб, ер остида **яшаган** карликларни эса х.исобсиз бойликларни эгаллаган мох.ир темирчилар деб тушунилган. Уругчилик давридан колган мажусий дини ва расм-одатларини акс эттирган Скандинавия поэзияси синфий карама-каршиликлар тугилаётган ва черков хукмронлик килаётган даврда ёзиб олингани учун, унда маълум даражада христианлик рух.и сезилиб туради.

«Волуспа»

«Эдда» **даги** «Волуспа» (келажак жарчиси) хакидаги кушикда дунёнинг яратилиши ва халокати х.а^идаги миф акс эттирилган. Бу шеърий ривоятдаги жарчи аёлнинг курсатишича, хаммадан олдин чексиз бушли^да улкан дев Имир пайдо булган, сунгра худолар бунёдга келган. Улар Имирни улдириб, унинг танасидан ерни яратганлар. Денгиз ёкасидаги икки жонсиз дарахтдан одамлар (эр ва хотин)ни бунёд этганлар. Уларга сув худоси Гонир — жон, бурон ва уруш худоси Один—нафас, ут худоси Лодурр эса ранг ато этган.

**Кадимги** Скандинавия мифи 9 дунё х,ак.ида х.икоя ^илади. Булар худо — аслар, ёркин рух. — ванлар, мурувватли рух. — альфлар, одамлар, бахайбат девлар, ут дунёси, ёвуз альфлар дунёси, карликларнинг ер ости дунёси ва уликлар дунёсидир.

Худолар саройлар к.уриб, олтин эритганлар, куроллар ясаганлар, маконлари Идаваллърда тинчгина яшаганлар. Бирок, **бу** осойишталик жодугар киз гузал Гулльвейг туфайли бузилган. Худо — аслар билан рух^ — ванлар уртасида дунёда биринчи жанг бошланган. Ванлар асларни куршовда крлдириб, саройларини вайрон ^илганлар. Шундан сунг худолар бузилган ^ургонларни **тиклаб** бериш тугрисида ванлар билан шартнома тузганлар. Бу хизматлари эвазига улар Одрнинг кайлиги Фреяни беришга ваъда килганлар. Бундай огир битимни тузишга ёвуз ниятли Локи сабабчи булган. У яна ванлар олдига бориб ишни бошлашни кечиктиришга эришган. Натижада ванлар мукофотни олиш хукукидан мах^рум этилган. Шундай г^илиб, дунёда осойишталик бузилган. **«Килич** асри, калкон асри», «бури асри»да ака укани халок эта бошлаган, натижада ахвол яна х.ам огирлашган. Шимол томондан уликлар ортилган дахшатли кема куринган. Уни Локи бошкариб келган. **Х^а^Р** томондан ут сочувчи бахайбат дев, занжирини узган ёвуз **бури** Фенрир ва бутун **ер юзини** ураб олган аждархо пайдо булган. Худо Один одамхур бури Фенрир билан ж^анг килиб з^алок булган, унинг угли Видарр отаси учун уч олиб бурини улдирган. **Аждархо** одамларнинг хомийси — момакалдирок худоси Торрни з^алок этган. Баз^ор худоси Бальдр х.ам Локи томонидан ёвузларча улдирилганки, бу нарса келажакда бошка худоларнинг з^ам з^алок булишини билдирар эди.

^смондаги юлдузлар ерга узилиб тушади, зсамма **нарса** куйиб **кулга** айланади. Бирок худоларнинг улимидан сунг келажак ха^а**Рчиси** янгиланган дунёнинг пайдо булишини хис килади. Худо**лар** эса Идаваллър ерларида бахтиёр хаёт яратиш учун **яна** кута**рилиб** чикадилар.

Умуман, кушикларда тасвирланишича, худолар бутунлай дахлсиз ва енгилмас куч эмас, улар инсонга хос хусусиятларга эга булиб, бахайбат девлардан енгиладилар.

«Волуспа» кушигида Исландия кабилаларининг табиатга булган ибтидоий карашлари ифодаланган. X асрда яратилган бу кушик кейинрок ёзиб олинган. Шунинг учун унга христиан руХидаги диний карашлар хам киритилган. Г\уши^даги ках.рамонлар табиатдаги хилма-хил кучларни мужассамлаштирган мифологик образлардир.

— **тушлари** хакида»

Ёрурлик худоси Бальдр хаёти хавф остида колганидан дарак берувчи ёмон тушлар куради. Буни у худоларга маълум к,илади. Улар кенгаш чакириб, Бальдрни хавф-хатардан саклаш чораларини куришни маслах.атлашадилар. Шундан кейин Бальдрнинг онаси Фригг (Одиннинг хотини) йулга чик.ади ва атрофдаги х.амма жонли ва жонсиз мавжудотд'ан углига зарар етказмасликлари х.а)>ида ваъда олади. Бирок,, Фригг Омела номли кичик бир усимликни менсимай, ундан розилик сурамайди. Бальдрга зиён-зах.мат етмаяжагидэн хурсанд булган худолар синаш учун унга турли к.уроллар ота бошлайдилар. Бирок, худоларга душман булган Локи сирни пайк.аб олиб, Омелани илдизи билан юлиб олади ва кур худо Годрга тутк.азади, сен хам бошк.алар каби Бальдрга от, деб унинг кулини нишонга тугрилаб к,уяди. Омела Бальдрнинг кукрагига тегиб, уни улдиради.

Бу фожиа хамма учун бени^оя огир эди. Улар котилни сезадилар, лекин улдирмайдилар, чунки улар турган ер «буюк тинчлик макони» эди.

Бальдрнинг улими ва унинг тирилиши з^акидаги миф антик адабиётдаги усимлик худоси Дионис ва бонща худоларнинг улиши **ва** тирилиши х.акидаги афсоналарга ухшаб кетади. Бу эртаклар сюжетидаги якинлик ибтидоий одамлар динининг дехкрнчилик билан боглик^ равишда келиб чикданини курсатади. Йил фаслларининг алмашиниб туриши (усимликларнинг к.ишда ухлаб, **бах**.орда уйгониши) х.а^идаги умумий тушунча мифда худоларнинг улиши ва тирилиши тугрисидаги тушунча билан богланиб кетади.

Мифологик ^ушикларнинг асосий кахрамони Один донишманд сифатида гавдаланиб, у ахлоций масалаларни таргиб килади. «Эдда»даги «Улур инсоннинг х.икматли сузлари» кушиги халк. донолигини акс эттирган огзаки адабиётга якиндир. Унда «варвар» кабилалари дружина х.аёти, х.арбий кахрамонлик, эрлар билан аёллар, дуст билан душман уртасидаги муносабат очик. ифодаланади. «Уйга киришингдан олдин,—деб ургатади Один,— х.амма томонга дикдат билан к.ара: бирор ерда душман яшириниб ётган булиши эхтимолдан узок, эмас», «Йулда уз куролингдан бир кадам хам узок.лашма: найзага тез мухтож булиб колишинг мумкин», «Кундузни кеч кирмасдан... к,уролни синаб курмасдан, кизни эрга чикмасдан олдин мактама» ва бошкалар.

«Локининг захарханда сузлари» кушиги «Эдда»га киритилган ва яратилиши вактига кура, сунгги к.ушиклардан биридир.



**«Локининг захарханда сузлари»**

Денгиз худоси Эгир ташкил этган зиёфатга 5ош Худо Один, унинг хотини Фригг х.амда бошка худо ва маъбудалар (аёл худолар) иштирок этадилар. Ме^монлар Эгирнинг хизматкорлари шаънига мадх.ия айтадилар. Худолар душмани Локи бундай мактовлар эшитишни истамай, Эгирнинг хизматкорларидан бирини улдиради. Бу вокеадан газабланган худолар Локини хайдаб юборадилар. Ёмон ниятли Локи зиёфатдагиларни хакорат килмок.чи булиб яна кайтиб келади. У зиёфатдагиларга захарханда сузлар айта беради. Айник.са, Локи маъбудаларни ахлоксизликда айблаб, х^а^к.°**Р**^ат^ килади. Мухаббат худоси Дреяни якин кариндошлари билан алока килади, деб айблайди.

Худолар ва диний эътикодларга карши хажвий рухда ёзилган бу кушикда душман кирдикорларини очиш учун фольклордаги сатирик усуллардан фойдаланилган. Агар «Волуспа»да мажусийлик худоларига ишониш жуда кучли булган узок, утмиш акс эттирилган булса, «Локининг захарханда сузлари»да энди кадимги Скандинавия мифларига танкидий караш юзага келганини куриш мумкин. Бу асар, Энгельс таъбирича, «эски мифларга ишониш бутунлай барх.ам топган замонларни ифода килади; у худоларга карши каратилган сатира — асл лукианча типдаги сатирадир»[1].

«Эдда»даги кахрамонлик к.ушикларининг купчилигида Зигфриднинг ботирлиги, нибелунгларнинг халокати, гуннларнинг ёвузлиги акс эттирилган. Европа ^итъасида яшаган кадимги герман кабилалари яратган бу к,ушиклар VI—VII асрларда Норвегияга, ундан сунг Исландияга утган ва бу ерларда бадиий томондан кайта ишланган. Р\ушикдаги асосий хусусиятлар, унинг дастлабки яратилган жойига хос белгилар — Франк, гот к.ах.рамонлари, Рейн тогларининг тасвири сaклангани х.олда, унга мах.аллий буёклар, Скандинавия пейзажи — денгиз, унинг бепоён киргоклари, музлик, тог манзаралари киритилган. К.ах.рамонларнинг номлари х.ам узгартирилган: Гунтер — Гуннар, Хаген — Хогни, Аттила — Атли, Эрманарик — Иормунерк, Зигфрид — Сигурд, Кримхильда — Гудруна деб ном олган.

«Эдда» к.ушиклари билан бир каторда Скандинавия адабиётида Исландия прозаик сага — киссалари х,ам катта урин эгаллаган. X—XIV асрларда юзага келган бу к.иссаларда турли тарихий ва маиший вокеалар, чунончи, Исландияни босиб олиш, денгиз саё>;атлари, оилалар ^акидаги эртаклар, кдзфамонлик юришлари курсатилган. Бундай эртаклар зиёфат ва оилавий утиришларда айтилган. «**Кизил** Эйрик хакида сага»да исланд денгизчилари Гренландия ва Шимолий Американинг очилиши ва бошка саёхатлар хакида хикоя киладилар.

«Ньяль х^ида сага»да уругчилик х^ёти акс эттирилади. **К**^ис," санинг к.ахрамони узининг донолиги ва тинчликсеварлиги билан ном чикарган кекса Ньялдир; у угилларининг айби билан уруг-

[1] К. Маркс, Ф. Энгельс, Танланган асарлар, II том, 212-бет.

кабила жанжалларининг курбони булади. Душманлар уни бутун оиласи **билан** куйдириб юборадилар. Ньялнинг тирик крлган куёви Кор **бир неча** йил давомида кураш олиб бориб, котиллардан уч **олади.**

ЗБАНИДА$^{у}$"ага» **Кахрамонлик** эпослари энди сагалар шаклида ишлана бошлайди. «Вольсунглар хакида сага» «Эдда» туплами ичидаги ^ушиклар негизида **юзага** келган булиб, у герман кабилалари уртасида кенг таркалган «Нибелунглар х,ак.ида к.ушик.» сюжетининг скандинав вариантидир.

Саганинг бошида Сигурднинг авлод-аждодлари Волсунглар уругининг келиб чикиш тарихи, сунгра бу авлоднинг халокати берилган.

**Киссадаги** да^шатли вокеалар кадимги мажусий динида к.исматга ишониш накадар кучли булганлигидан дарак беради. Шунинг учун хам карлик Андваринниг лаънатланган хазинаси тасвири кенг урин олган. Мифда тасвирланишича, хазинага эга булмокчи булган **хар** бир кимса улимга ма^кум к,илинган.

«Сага»даги янгилик унга кирол Гуннарнинг Брюнхилдага совчи куйишидан олдин Сигурд билан Брюнхилда уртасидаги севги муносабатлари тасвирланган эпизоднинг киритилишидир.

«Сага»нинг IX бобидан бошлаб «Эдда» кушикларидаги эртак х.икоя килинган, ундаги мустакил цушиклар б;ир-бирига богланиб, бош клзфамон Сигурднинг биографияси яратилган. «Вольсунглар хакида сага», «Нибелунглар хакида кушик»дан бирмунча кейин пайдо булган булса х$^{ам}$> лекин Исландиянинг узига хос тараадиёт йулидан борганлиги, феодал тартиблар анча кеч юзага келганлиги туфайли, сагада кадимги герман эртакларининг **энг** эски версиялари уз аксини топган.

**Скальдлар поэзияси** X—XII асрлар уртасида Норвегия ва Исландияда дружина кушикчилари — скальдлар поэзияси келиб чикдан ва ривожланган. **Ьу** санъат кадимги кахрамонлик эпоси традициялари негизида пайдо булиб, унда князь ва унинг дружиналарининг харбий юришлари **мактал**ган. Лекин лиро-эпик турдаги бу поэзия халк^ эпоси традицияларидан узоклашиб, харбий аристократия дидига мосланган «нозик» ва мураккаб санъатга айланиб кетган.

**X** асрда Исландияда юзага келган скальдлар поэзияси мамлакатнинг кадимги ижтимоий формалари билан боглиц огзаки эпик ижод традицияларининг сакланишига катта таъсир курсатган. Исландияда кушик^ тук,иш ва ашула айтиш санъати хамма ерда, айникса, викинглар дружинасига кирган ёш жангчилар орасида кенг таркалган эди.

